

## БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА АКМЕОЛОГИК МОТИВАЦИЯНИ АКСИОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ

*Пармонов Акмал Абдупаттоевич  
ҚДПИ мустақил тадқиқотчиси.*

**Аннотация:** Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларида акмеологик мотивацияни ривожлантириш, мамлакатимизда бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаш тизими такомиллаштириш каби вазифалар очиб берилган.

**Калит сўзлар.** жисмоний тарбия, акмеология, соғлом тафаккур, аксиология

**Аннотация:** Раскрыты такие задачи, как развитие акмеологической мотивации у будущих учителей физкультуры, совершенствование системы подготовки будущих учителей физкультуры в нашей стране.

**Ключевые слова.** физическое воспитание, акмеология, здоровое мышление, аксиология,

Мамлакатимизда бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаш тизими такомиллаштирилиб, бу борада кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга бу борда ривожланган давлатлар тажрибаси ҳам ўрганилмоқда. Бу тажриба ривожланган давлатларнинг кадрлар тайёрлаш тизимидан андоза олиш ва миллий таълим тарбия намуналарини уйғунлаштириш асосида шакллантирилиб келинмоқда. Мамлакатимизда яратилган кадрлар тайёрлаш тизими жаҳон ҳамжамияти томонидан алоҳида эътироф этилмоқда. Шу ўринда эришилган натижалар, «жисмоний маданият ва жисмоний тарбия соҳаси кадрларини тайёрлаш юзасидан қўлга киритилган ютуқларга таянган ҳолда кадрлар тайёрлаш жараёнини янада такомиллаштириш, уни доимий тарзда янгилаб бориш ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимини мунтазам таҳлил қилиш зарурати туғилади». Бунинг учун бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлаш тизимига инновацион ёндашувларни олиб кириш талаб этилади.

Бугунги жадал ислоҳотлар ва ўзгаришлар даврида инновацион ечимларнинг асоси маърифат, таълим-тарбия ва соғлом тафаккурга боғлиқ эканлиги маълум бўлмоқда. Бу эса таълим-тарбияни замонавий педагогик технодрогиялар асосида ташкил этишни заруратга айлантормоқда. Зеро, илғор педагогик технологиялар ижтимоий – тарихий зарурият ва маънавий – педагогик ходиса сифатида ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб маърифий ҳаётга кириб келди ва ёшларни илм

– фан таракқиёти муаммолари билан таништирувчи педагогик механизм сифатида ўқиш – ўқитиш ишларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилди. Маълумки, жисмоний маданият машғулотилари жисмоний тарбия–таълим муассасалари учун ташкиллаштирилган педагогик жараёнда анъанавий ва ноанъанавий таълим шакллари асосида олиб борилмоқда. Шундай экан, таълим-тарбияни замон талаблари даражасида ва бугунги эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ҳориж тажрибаси асосида ташкилланади ва бу муайян қонуниятларга асосланади.

Маълумки, ҳар бир халқнинг, миллат ва элатнинг ўзига хос анъаналари, урф-одатлари, удумлари мавжуд бўлиб, уларда ўзига хос тарзда соғлом турмуш тарзини яратиш учун махсус амалиёт шаклланди. Ўзбекистонда ҳам қуриладиган оила ва улар ўртасида соғлом авлодни дунёга келиши, янги оиланинг соғлом ва баркамол бўлиши учун тарбиявий муносабатларга жиддий аҳамият қаратилади. Шунингдек миллий кадриятлар, шарқона урф одатлар соғлом турмуш тарзи ҳамиша эъзозланади. Соғлом турмуш тарзи дастлаб оилада шаклланади, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишда жисмоний тарбиянинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Шу жумладан, соғлом авлодни тарбиялаш мақсадида спорт соҳасида катта этибор берилмоқда.

Ушбу тадқиқот иши доирасида олиб борилган тажриба-синов ишлари натижасида олий таълим талабаларини жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши истикболлари (мотивация) ўрганилди (спортга бўлган муносабатлари) ва уларни моҳиятига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин:

А). Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари акмеологик мотивациясига бевосита алоқадорлик негзида шаклландиган муносабатлар қуйидагилардан иборат.

- бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларида жисмоний тайёргарликни ошириш истаги.

- ўзгарувчан вазиятларда бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёр бўлиши;

- бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари аксариятида номдор спортчиларга тақлид қилиш истаги.

Б). Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларининг жисмоний тарбия спорт фаолияти мотивациясига билвосита алоқадор муносабатни шаклланишидан иборат.

- талабаларнинг чиройли, кучли ва соғлом бўлиш истаги;

- талабаларда жисмоний имкониятларини намоён қилишларига ота-оналарнинг хохиши асосида шаклландувчи муносабатлар фарқланди. «Жисмоний

ривожланиш - тарбиянинг таъсирида организмда биологик шакллар ва функцияларнинг вужудга келиши, ўзгариши ва такомиллашувидир. Ижтимоий тараққиёт натижасида жисмоний хусусиятлар ишлаб чиқариш, маданият фан ва спорт соҳасида юксак натижаларга эришиш имкониятини яратди. Наслдан наслга ўтадиган табиий ҳаётий кучлар ва организмларнинг тузилиши, инсон жисмоний ривожланиши учун асос бўлади. Лекин жисмоний ривожланишнинг йўналиши, унинг характери, даражаси, шунингдек, инсон ўзида камол топтирадиган фазилатлар ва қобилият турмуш шароитлари ва тарбияга кўп жihatдан боғлиқдир».

Олиб борилган таҳлиллар натижасида бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларида мотивация динамикасининг ўзгарувчанлиги кузатилади. Сататистикага кўра, агар талаба ўзининг қизиқиши, шахсий истаги ва манфаат кўриш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда спорт билан шуғулланса ёки ўзининг жисмоний имконияти ва иродасини намоён қилишга интилса натижалар ўсувчан ва ижобий бўлади. Натижада уларда жисмоний маданият сифатлари тез ва юқори даражада намоён бўлади. «Жисмоний тарбия кишиларга катта таъсир кўрсатиб, саломатлигини мустаҳкамлайди, ишлаш қобилиятини оширади, узок умр кўришга ёрдам беради. Спорт ҳар қандай ёшда ҳам қадди-қоматни тарбия қилиш куч-қувватни сақлаб туришнинг ажойиб воситасидир. Спорт дам олиш билан меҳнатни алмаштириб туриш манбаи бўлиб хизмат қилади. Талабаларнинг жисмоний маданиятга эга бўлишлари жисмоний тарбия самарадорлигини белгиловчи муҳим омил саналади». Шунинг учун ҳам бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларнинг қизиқишлари ва истакларидан келиб чиққан ҳолда спортга йўналтириш, жисмоний машқларга олиб кириш ва шу орқали улардаги акмеологик мотивацияни ўстириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жаҳоннинг ривожланган давлатларининг тараққий этишидаги муҳим омил уларнинг таълим тизимига алоҳида эътиборнинг мавжудлигидир. Яъни уларда таълимга эътиборнинг кучлилиги ва кўпроқ инвестициянинг киритилиши, хусусий ва давлат таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини яратилиши ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ривожланган давлатлар хусусан, АҚШ, Европа давлатлари, Япония, Корея ва Хитой, Россия давлатларида кучли спортчиларнинг етишиб чиқаётганлиги ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Ўзбекистон ҳам сўнги йилларда олиб борилган ислохотлар асосида, шунингдек, ривожланган давлатларнинг бундай ёндашувини миллий таълим тизимига импорт қилиш орқали юқори натижаларга эришиб келмоқда ва ёшларимизнинг жисмоний имкониятларини кашф қилишда махсус анъана ҳам шакллана бошлади.

Бўлажак жисмоний тарбия ўқиувчиларида акмеологик мотивацияни ривожлантириш учун уларда жисмоний иродалилик, чидамлилик, ғалабага интилувчанлик, эпчиллик, ўзини тута билишлик каби сифатларнинг шаклланиши керак бўлади. Сабаби талабаларда спортчига хос характер, хислатлар жисмоний тарбия ва спорт фаолиятида, тўғараклар орқали аста – секин шаклланиб бориб, кейинчалик бу хислатлар унинг доимий сифатига айланади. Мисол учун, жисмоний иродавий сифатлари яхши шаклланган талаба ҳаётий фаолиятда ҳам иродали бўлади. Бу талабанинг ҳам иродали, ҳам жисмонан мустаҳкам характерга эга эканлигидан далолат беради. Аммо унинг «барқарор характер хислатлари, ижобий ахлоқий ва иродавий сифатлари жисмоний тарбия машгулотлари ва мусобоқаларда, таълим ва тарбия жараёнида меҳнатда шаклланиб боради. Ушбу жараённинг узлуксиз давом этиши юксак натижаларга олиб келади. Аксинча, талабанинг дарс машгулотида интизомсизлиги, билим олишда лаёқатсизлиги, ўқишдан ва меҳнатдан бўйин товлаши, кўполлиги ёки алдамчилик каби салбий сифатлари унинг ҳам катта спортда, ҳам ҳаётда тўсиқларга бардош бера олмасликка, рухий тушкунликка олиб келади». «Жисмоний тарбиянинг ўзига хос хусусияти жисмоний қобилиятларини ривожлантирувчи восита сифатида хизмат қилишидир, шу билан бирга маънавий камолотга ҳам кучли таъсир этади». Ибн Сино таъбирича, кишидаги энг яхши сифатлари, аввало, чидамлилик, донишмандлик ва мардликда кўринади. Мана шу ижобий хислатлар биргаликда унинг характерида адолат ва мўътадилликни юзага келтиради. Агар кишида мана шу сифатлар бўлса, ҳеч қачон ёмон йўللарга кирмасдан ўзини яхши ишларга бағишлайди. Бинобарин, ҳаётнинг ҳар бир даври ўзининг гўзаллигига эга. Шу маънода бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларида таълим жараёнида пухта билим олиши умуминсоний хислатларини ўзида шакллантириши, ижтимоий ҳаётда фаол бўлиши ҳамда қийинчиликлардан кўркмайдиган шахс бўлиб етишиши учун ўз характерида ривожлантириб бориш лозим.

Аксиологик ёндашув асосида аждодларимиздан қолган анъаналар, спорт ўйинлари ва бошқа жисмоний тайёргарликни ривожлантирувчи қадриятлар асосида талабаларга чаққонлик, эпчиллик, кучлилик ва сабр-тоқат каби хусусиятларини шакллантириш, бақувват қилиб тарбиялаш мумкин бўлади. Бу эса «барқамол шахс тарбиясини янада яхшилаш, кучайтириш, уларни ўз халқи ва жамият олдидаги бурчини ҳис этиш, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашдек ғоят муҳим вазифалар билан боғлиқдир. Бунинг учун жисмоний тарбиянинг барча воситалари ҳам жуда қўл келади, чунки бу нарса шахсни руҳий, жисмоний маънавий жиҳатдан тарбиялашнинг энг муҳим шаклларида ҳисобланади». Зеро,

миллатнинг келажаги бўлган ёшларни етук, соғлом, баркамол ва комил инсон қилиб тарбиялаш мустақил юртимиз келажагига хизмат этади.

Хулоса қилганда, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларида акмеологик мотивацияни ривожлантириш кадриятли-аксиологик ёндашувга асосланиши, унинг аксиологик англаш ва баҳога асосланган мезонлари ва акмешахсни шакллантиришда кадриявий дунёқарашни ривожлантириш асослари муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга мазкур жараёнда аксиологик ёндашувнинг аксиологик онгни шакллантириш асосидаги мувафақиятга эришишга йўналтирилган мотивация ва ҳаракат мотивларини йўналтириш самарали бўлиши келиб чиқади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. THE ROLE OF THE ACMEOLOGIST APPROACH IN THE DEVELOPMENT OF ACMEOLOGICAL MOTIVATION IN FUTURE PHYSICAL EDUCATION TEACHERS. Parmonov Akmal Abdupattayevich <https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR>. 2023 y.

2. IMPROVING THE SYSTEM OF TRAINING TEACHERS OF FUTURE PHYSICAL EDUCATION AND INTRODUCING INNOVATIVE-MOTIVATIONAL APPROACHES TO IT. Parmonov Akmal Abdupattoyevich. <https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR>. 2023 y

3. Abdupattayevich, P. A. (2022). Specific methods and tasks for the physical development of primary school students with the help of games. International journal of social science & interdisciplinary research issn: 2277 -3630 Impact factor: 7.429, 11(10), 331-333.

4. Abdupattaevich P. A. Technology of formation of akmeological position in future teachers //World Bulletin of Social Sciences. – 2021. – Т. 5. – С. 112-115. <https://www.scholarexpress.net>

5. Талипджанов А. А., Нурматов Б. Б., Пармонов А. А. Учебно-тренировочный процесс по футболу //International conference: problems and scientific solutions. – 2022. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7332922>

6. IMPROVING THE EFFECTIVENESS OF THE TRAINING PROCESS OF STUDENTS. Parmonov Akmal Abdupattayevich. ISSN 2277-3630 (online), Published by International journal of Social Sciences & September-2023 .<https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR>

7. Makhmudovich, Gofurov Abdushokir, Irmatov Shavkat Anvarovich, and Inomov Fahriddin O'rmonovich. "Development of physical activity of students based on physical education and sports classes." INTERNATIONAL JOURNAL OF

SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630  
Impact factor: 7.429 11.11 (2022): 135-141.

8.O'rmonjonovich, Inomov Faxriddin. "Problems of Development of Physical Culture and Sports after Independence." Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture 3.12 (2022): 58-62.

9.Иномов, Фахриддин Ўрмонович. "Стратегия подач в современном настольном теннисе." Образование наука и инновационные идеи в мире 32.1 (2023): 47-50.

10.Jurayev, Vohidjon, and Yoqubjon Ermatov. "BASICS OF ADJUSTING PHYSICAL EXERCISES FOR THE AGE OF STUDENTS WHEN INTRODUCING A HEALTHY LIFESTYLE TO STUDENTS IN THE GENERAL SECONDARY EDUCATION SYSTEM." International Bulletin of Applied Science and Technology 3.5 (2023): 1042-1045.

11.Жураев, Вохиджон Мухаммедович. "СПОРЧИЛАРНИНГ ДАЪВОГАРЛИК ДАРАЖАСИ ВА ИРОДАВИЙ СИФАТЛАРИНИНГ ПСИХОЛГИК ХУСУСИЯТЛАРИ." Academic research in educational sciences 4.ТМА Conference (2023): 894-900.

12.Талипджанов, Алиджан Акрамович, and Бурханиддин Дониардjon Угли Рахмонов. "ПРИВЛЕЧЕНИЯ ЖЕНЩИН К СПОРТУ." Proceedings of Scientific Conference on Multidisciplinary Studies. Vol. 2. No. 4. 2023.

13.Akramovich, Talipdjanov Alidzhan. "PHYSICAL EDUCATION AND SPORTS IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM." Galaxy International Interdisciplinary Research Journal 11.4 (2023): 225-230.

14.Akramovich, Talipdjanov Alijon, and Akhmedov Umidjon Usmonovich. "Pedagogical Requirements Of Physical Education Training In The Higher Education System." Onomázein 62 (2023): December (2023): 2365-2369.

15.Талипджанов, А. А., Б. Б. Нурматов, and А. А. Пармонов. "Учебно-тренировочный процесс по футболу." International conference: problems and scientific solutions. Vol. 1. No. 6. 2022.

16.Sultonov, Usmon Ibragimovich. "METHOD OF CONTROLLING THE TRAINING PROCESS OF LONG-DISTANCE RUNNERS." Eurasian Journal of Academic Research 2.3 (2022): 132-137.

17.Ibragimovich, Sultonov Usmon. "DYNAMICS OF MORPHOLOGICAL INDICATORS IN THE PHYSICAL DEVELOPMENT OF LONG-DISTANCE RUNNING." INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.01 (2022): 129-132.

18. Abdukhamidovich, Moydinov Iqboljon. "PHYSICAL AND MENTAL ACTIVITY OF STUDENTS AND IT EFFECTS OF DIFFERENT HORSES." *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal* 11.4 (2023): 219-224.

19. Ibragimovich, Sultanov Usmon. "DYNAMICS OF FORMATION OF PHYSICAL DEVELOPMENT AND PHYSICAL TRAINING OF LONG DISTANCE RUNNERS." *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences* Vol 7.6 (2019)

20. Ismailovna, Y. F. (2024). The importance of new technologies in forming healthy life style of students at physical training lessons. *International journal of social science & interdisciplinary research* issn: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 13(01), 34-37.

21. Шокиров Ш. Ф., Нажмиддинов А.И. (2023). Техничко-тактические приемы защиты и нападения в игре в настольный теннис. *International scientific conference "innovative trends in science, practice and education"* 2(9), 41-47

22. Шодиев, Э., Ирматов, Ш., & Якубжонова, Ф. (2021). Jismoniy tarbiya darslarida pedagogik texnologiyalardan foydalanish. *Общество и инновации*, 2(2/S), 683-687.

23. G'ayratovich, S. S. (2022). Development of volleyball sport, world championship olympic games. *Asia pacific journal of marketing & management review* issn: 2319-2836 Impact Factor: 7.603, 11(12), 51-54.

24. Якубжонова, Ф. И., & қизи Асқарова, М. У. (2023, November). Взаимосвязи физической и технической подготовки волейболистов. In *international scientific conference "innovative trends in science, practice and education"* (Vol. 2, No. 9, pp. 48-54).

25. Umarova, Z. U., & Ugli, Y. D. N. (2023). Innovative technologies and their application in sports.